

**Бўлғуси педагогларда симметрия ҳисси акцентуациялашувини
профилактика қилишнинг амалий аҳамияти ва назарий имкониятлари**

Эргашев П.С., ТДПУ, психол.ф.н., доцент

Каримова Ш.К., ТДПУ, катта ўқитувчи

Замонавий инсоният жамияти ҳаётининг барча жабҳаларига техника ва технологияларнинг кириб бораётгани инсон омилининг аҳамиятини нафақат пасайтирмапти, балки янгича йўналишларда яна ҳам юқорироқ даражага кўтармоқда. Маълумки, инсон омилининг кучи, айникса, анъанавий равишда педагогик фаолиятда яққол намоён бўлади. Педагогнинг нафақат маъруза матни ва кўргазмали куроли, балки ҳар бир ҳаракати ва сўзи таълимий ва тарбиявий аҳамият касб этар экан, унинг шахси таълим-тарбия самарадорлиги бош омили бўлиб қолаверади. Шундай экан, ўқитувчи шахсида таълимий ва тарбиявий вазифаларни муваффақиятли бажаришга ёрдам берувчи сифатларни ривожлантириш ва, аксинча, бунга ҳалақит бериши мумкин бўлган хусусиятлар ривожланишига йўл қўймаслик педагог тайёрлаш тизими олдидаги муҳим масаладир. Ушбу маъруза тезисида, биз бўлғуси педагогларда симметрияни ҳис этишга бўлган мойилликдек ўзига хос эмоционал сифат акцентуациялашиб кетиши олдини олиш зарурати ва имкониятлари ҳақида мулоҳаза юритамиз.

Аввало, шуни таъкидлаш зарурки, “симметрия ҳисси” тушунчаси турли муаллифлар, бир биридан анча узоқ илмий йўналиш ва мактаблар вакиллари (А.Маслоу, В.Франкл, В.Вернадский, Р.Шейдер ва б.) томонидан тилга олинса ҳам, унга берилган умумий таърифни адабиётлардан топиш қийин. Шунга қарамай турли муаллифларнинг симметрия ҳисси юқори даражада ривожланган одамни одатда қандай хусусиятлар ажратиб туриши ҳақидаги мулоҳазаларга таяниб, назаримизда, ушбу психик ҳодисага қуйидагича таъриф бериш мумкин: симметрия ҳисси – бу объектив воқеликдаги нарсаларнинг тузилиши ҳамда бир бирига нисбатан жойлашувидаги тартиб даражасини психик акс эттириш натижасида вужудга келувчи мураккаб ҳиссий кечинма [6].

Психологик тадқиқотлар орасида симметрия ҳисси ўқитувчи шахсида ривожланиши муаммоси ўрганилган ишлар мавжуд. Масалан, Т.М.Харламова тасвирий санъат ўқитувчиси педагогик қобилиятларини ўрганишга қаратилган тадқиқотида симметрия ҳисси яхши ривожланган бўлиши ёш педагог касбий фаолиятидаги муваффақиятнинг муҳим шарти экани исботланади [4]. Аммо бу ишда симметрия ҳисси муаммоси тор маънода, яъни тасвирдаги симметрияни тушуниш маъносида кўриб чиқилган. Бироқ симметрия ҳиссини кенг маънода, умуман кундалик турмуш, ҳаётий фаолиятдаги тартиб, яхлитлик, бир бутунлик, тугалланганлик даражасини ҳис этиш маъносида англаганда унинг меъёрдан ортиқ ривожланиши фаолият учун зарарли бўлиши мумкинлигини кўрамыз. Жумладан, ўқитувчининг ўта акцентуациялашган симметрия ҳисси қуйидаги ҳолатларда таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда ҳалақит бериши мумкин:

- 1) ўқитувчини таълим оловчи ижодий фаолияти маҳсули мазмунидан унинг шакли, бу ердаги тизим ва тартиб кучли чалғитиши мумкин;
- 2) ўқитувчи таълим оловчилар учун топшириқлар ишлаб чиқаётганда уларнинг сони, таркибига кирувчи бандларининг шакли ва миқдорида бир хилликка интилиб, оқибатда ишнинг айрим қисмлари бевосита асосий мақсадга хизмат қилмай, кўпроқ яхлитлик учун таркибга киритади;
- 3) ўқитувчи муайян масала бўйича тушунча беришда у билан алоқада бўлган ва биргаликда қандайдир каттароқ тузулмага кирувчи ёндош ҳодисаларга ҳам батафсил тўхталиб, ҳаммасини батафсил бир чеккадан тушунтиришга уриниб, таълим оловчини асосий мақсаддан чалғитиб юбориши мумкин;
- 4) ўқитувчи аслида объектив равишда муайян вақт чегараларидан четга чиқувчи материал баёнида тугалланганликка эришиш учун, таълим оловчи фаолияти самараси пасайиши эвазига бўлса ҳам, уни сунъий қисқартиришга уриниши мумкин.

Бизнингча, юқорида келтирилган ва шу каби бошқа салбий ҳолатларни симметрия ҳисси акцентуациялашган даражаси билан тушунтириш илмий асослидир. Шунинг учун педагог кадрларни шахс сифатида бўлғуси касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида уларда симметрия ҳисси акцентуациясининг олдини олиш долзарб аҳамиятга эга бўлади. Албатта, бу соҳадаги чора-

тадбирлар дастурий ёндашувни талаб қиладиган тизимли ишдан иборат бўлиши керак. Ушбу дастурнинг мазмунини ёритиш ва асослашни бошқа каттароқ ҳажмдаги нашрлар чекига қолдирган ҳолда бунда қандай йўналишдаги иш самарали бўлиши мумкинлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз: 1) ассиметрияда ҳам ўзига хос ички гўзалликни кўриш мумкинлигига эътибор қаратиш; 2) инсон ҳаётининг турли соҳаларида шакл мукаммаллигига интилиш мазмунда салбий акс этиши ҳолатларига диққат қаратиш; 3) бир бутун яхлит тузулмаларга, ҳатто, такомиллаштириш мақсадида ҳам ўзгартириш киритиш, тугалланмаган, ассиметрияга эга бирликлардан кўра қийинроқ бўлишига, бунда ички кураш оғирроқ бўлишига эътиборни жалб этиш.

Умумий равишда, бўлғуси педагог кадрларнинг шахсий тайёргарлигини таъминлаш жараёнида уларда ҳам симметрия, ҳам ассиметрияда мукаммаллик ва бетакрорликни кўра билиш, ҳис этиш ва кадрлаш ҳислати ривожлантирилар экан, бу бўлғуси мутахассис шахси шаклланишининг яна бир муҳим йўналиши эътиборсиз қолмаганидан дарак беради. Токи шахсий намуна ҳар қандай маърузадан кўра аъло сабоқ манбаи бўлиб қолгунича бундай йўналишларда олиб бориладиган иш ўта долзарблиги билан ажралиб туради.

Адабиётлар

1. Вернадский В.И. Химическое строение биосферы земли и ее окружения. - М.: Наука, 2001. - 376 с.
2. Маслоу А. Мотивация и личность / Пер. А.М.Татлыбаевой. – СПб.: Евразия, 1999. – 412 с.
3. Франкл В. Человек в поисках смысла. - М.: Прогресс, 1990. – 187 с.
4. Харламова Т.М. Профессиональные способности учителя изобразительного искусства: структура, детерминанты и индивидуальные особенности проявления: Автореф. дисс. ... канд. психол. наук. – Пермь, 2003. – 24 с.
5. Шейдер Р. Психиатрия. - М.: Практика, 1998. - 485 с.
6. Эргашев П.С. Чувство симметрии: проблемы феноменологии// Педагогик таълим. – Тошкент, 2011. №1. Б.35-39.